

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Uzbekistan Airways” АЖ
Бошқаруви раиси

И.Р.Махкамов

2022 йил “28” март

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви
Ҳайъати йиғилишининг
БАЁНИ

2022 йил “28” март

10-1 -сон

Ташкент ш.

Раислик қилувчи: Махкамов И.Р. – “Uzbekistan Airways” АЖ раиси

**Иштирок
этганлар:** “Uzbekistan Airways” АЖ раиси ўринбосарлари,
бошқарма ва бўлим бошлиқлари

**Мажлис ўтказиш
жойи** “Uzbekistan Airways” АЖ марказий аппарати Тошкент
ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 41-уй, конференциялар зали.

Ҳайъат мажлиси раиси кун тартибини муҳокамага қўйди ва Ҳайъат аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги
“Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва
хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида” ПҚ-168-сон Қарорида белгиланган топшириқлар ижросини
сўзсиз ва белгиланган муддатларда сифатли таъминлаш тўғрисида**

(Махкамов, Хусанов, Худайкулов, Саттаров, Махкамов)

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамият бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.в.б. У.А.Хусанов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-168-сон Қарорида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат активларини шаффоф ҳолда хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида бир қанча вазифалар белгилаб берилган. Хусусан

доимий равишда устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек, устав капиталининг 50 фоизи ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) ҳамда давлатга тегишли бўш турган, самарасиз фойдаланилаётган ва асосий фаолиятга оид бўлмаган активларни (кейинги ўринларда — активлар) аниқлаш бўйича хатлов ишларини давом эттирилиши ҳамда уч ой муддатда аниқланган активларни босқичма-босқич савдога чиқариш бўйича Давлат тендер комиссиясига таклифлар киритиб бориши таъкидланган.

Ушбу қарор ижросини ўз вақтида сўзсиз таъминлаш мақсадида Жамият томонидан бажариладиган ишлар бўйича Назорат режаси ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият бошқарув аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва тегишли бўлинма раҳбарларига топшириқ берилди.

Бўлиб ўтган муҳокамалар ва овоз бериш жараёнидан сўнг (*овоз бериш натижалари: ёқлаб – 4 та овоз; қарши – йўқ; бетараф - йўқ*) Жамият бошқаруви қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-168-сон Қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Юқоридаги йиғилиш Баёни ижросини сўзсиз, белгиланган муддатларда сифатли таъминлаш мақсадида Жамият томонидан амалга ошириладиган “Назорат режаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари ушбу қарор билан тасдиқланган “Назорат режаси”да белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Жамият Бошқарув раиси биринчи ўринбосари в.в.б. У.А.Хусанов зиммасига юклансин.

Мажлис котиби



С.Абдуллаев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Uzbekistan Airways” АЖ
бошқаруви раиси



Махкамов И.Р.

“ ” _____ 2022й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодийётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон Қароридан
“Uzbekistan Airways” АЖга юкланган вазифалар ижроси юзасидан

НАЗОРАТ РЕЖАСИ

№	Топшириқ мазмуни	Бажариш муддатининг охириги санаси	Ижро учун масъуллар
1.	4.2-банд. Жамият ҳамда унинг тизим ташкилотларида бўл турган, самарасиз фойдаланилаётган ва асосий фаолиятга оид бўлмаган активларни аниқлаш бўйича хатлов ишларини давом эттирсин.	донимий	Ердаги иншоотлардан фойдаланиш ва транспорт бошқармаси (Галиуллин Р.)
2.	4.3-банд. Аниқланган активларни босқичма босқич савдоларга чиқариш бўйича Давлат тендер комиссиясига тақлифлар киритиб бориш	18.06.2022 й.	Ердаги иншоотлардан фойдаланиш ва транспорт бошқармаси (Галиуллин Р.)
3.	12.3-банд. Қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар юқоридаги қарорга мувофиқлаштирилсин.	18.05.2022 й.	Юридик бошқарма (Касимова Л.)

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентини Қароридан белгиланган ушбу топшириқлари ижросини таъминлаш юзасидан “Uzbekistan Airways” АЖ масъул ижроچиси томонидан Аолия вазирлигига, Транспорт вазирлигига ва тегишли асосий ижроичига хат киритилади (бошқаруве раиси ёки унинг биринчи ўринбосари имзоси билан тасдиқланган ҳолда) ҳамда бажарилган ишлар юзасидан Жамият бошқарувиغا ҳисобот бериб боради.